


ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 1 СЎМ



— ВУЯ, ПУЧУҚГИНАЕИ

Суратчи: Холмамат МАМАТҚУЛОВ.

МУКОФОТ СУРХОНДАРЕГА КЕТДИ!



«Ойла ва жамият» газетасининг март ойидаги (1000 — минг сўм!) мукофотини сурхондарёлик машҳур сураткаш Холмамат МАМАТҚУЛОВ («Аёллар» туркумидаги асарлари учун) оладиган бўлди. У кишини таништиришга ҳожат бўлмаса керак. Бир-биридан сермазмун, тиниқ, жозибадор суратлари нафақат бизнинг ҳафталигимиз, жумҳуриятимизнинг деярли барча газета-журнолларида мунтазам чоп этилиб туради. У киши «Сурхон тонги» вилоят газетасида узоқ йиллардан буён меҳнат қиладилар. Биз Маматқуловни мукофот билан қутлаб, машаққатли ижодий ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Ушбу мукофот ҳомийси Ғаллаорол туманидаги «Ғаллаорол» давлат хўжалиги.

«БИБИХОНИМ»НИНГ ЕРДАМИ

Самарқанд вилоят хотин-қизлар, кўмитаси қошида ташкил этилган «Бибихоним» ҳайрия жамғармаси кўплаб савоб ишларни амалга оширмоқда. Жамғарма ҳомийлигини жумҳурият «Шарқ» халқ таботати маркази ҳақими Элмурад табиб ўз зиммасига олган. У шу кунгача жамғар-

ма ҳисобига 150 минг сўмдан зиёд маблағ ўтказди. «Бибихоним» ҳайрия йўлида сарфлаётган маблағларнинг ўзиёқ унинг ишга нақадар жиддий киришганлигидан далолат. Жамғарма Самарқанддаги Қариялар ва ногиронлар уйида истиқомат қилувчиларга 50 минг сўмлик кийим-кечак

ҳадя этди. Болалар сил касалликлари санаторийсига 15 минг сўм, «Қадрият» кичик корхонасининг ногирон ишчилари учун 27 минг сўм, камдаромадли, серфарзанд оилалари учун эса 50 минг сўм ажратди. деб хабар беради журналист Гули Чехра.

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:



Баҳром Бек ПОЛОСОНИЙ:
«ПАХТАОЙ»НИНГ ҲАЛОКАТИ!

Фридрих НИЧШЕ:
НИКОҲ ВА ФАРЗАНД ХУСУСИДА.



Суратчи: Алимурод МАМАДАМИНОВ.

И. УСМОНХЎЖАЕВ ОИЛАСИ: ФОЖИА ТАФСИЛОТЛАРИ

Газетамизнинг 11-сонида собиқ Узкомпартиянинг собиқ биринчи котиби, яқиндагина узоқ муддатли қамоқ жазосидан озод этилган Иномжон Усмонхўжаевнинг оиласи бошига тушган кулфат — унинг умр йўлдоши Элнури Собированинг фожиали ҳалок бўлгани ҳақида хабар берган эдик. Жойларда турли миш-мишлар тарқалганлигини ҳисобга олиб, фожиа тафсилоти билан қизиқдик. Журналист Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ Фарғона вилоятидан қуйидагиларни хабар қилди:

— Фожиа содир бўлган 14 март, яқшанба куни Элнури опа Риштондаги қариндошларидан бириникига меҳмонга, тўғрироғи, ифторга борган. Уша оқшом кеч соат саккиз ярилларда «Жигули» машинасида уйига қайтаётганида, Калтут қишлоғи яқинида қарши тарафдан келётган «Москвич» билан тўқнашган. «Жигули»да Элнури опанинг тўнғич ўғли Ғайрат (рулда), келини Дилором, набираси, синглиси Дамира ва яна бир қариндоши бўлган. Элнури опа билан синглиси ўша ердаёқ ҳаётдан кўз юмишган. Синглисининг беш фарзанди буткул етим қолди. Негаки, илгари эри оламдан ўтган эди. Фарзандларининг кичига беш ёшда. Опа-синглининг ёши 57 ва 55 да

эди. Ўғли Ғайрат билан келини шифохонада.

Айтишларича, «Москвич»дагилар маст бўлишган. Ҳалокат юз бергач, улар қочиб қолишган экан, қўлга олинди. Ҳозир тергов кетмоқда.

ҚОЧИШ

Ушанда тўққизинчи синфда ўқирдик. Пахта мавсуми даври. Кунлар совий бошлаган. Шароит ниҳоятда оғир. Бундай азобли аҳволдан қутулишнинг биргина йўли бор. У ҳам бўлса қочиш. Лекин ўқитувчиларимиз ҳам анойи эмас. Кечқурун шийпонга қайтишимиз билан йўқлама қилишади-да, оёқ кийимларимизни рўйхат билан йиғиштириб олади. Ана энди хоҳлаган тўмонингга қочавер. Бундай қаттиқ тартиб-интизом ҳам бизни қатъий қароримиздан қайтара олмасди. Кичик ва нозик жуссаларимизга хос бўлмаган оғир меҳнатнинг машаққати боисми, ишқамслик сабабми, ишқилиб, бир тунда қочишга шайландик. 25—30 чакиримдан иборат тиканли, тиззагача ботиб кетадиган тулпроқ йўллари оёқ яланг босиб ўтиш керак эди. Озодликка бўлган иштиёқ ақлимизнинг ишлашига туртки бўлди. Пахта тарадиган этекни оёқларга ўраганча уч нафар бола йўлга тушдик. Шийпондан тезроқ узоқлашиш мақсадида, айлана йўллар бўйлаб югуравериб ҳолдан тойдик. Бир қабристон ёқасида этакларни ерга ёзиб дам олишга чўкдик. (Энг осойишта жой қабристон деб эшитардик).

Ўзбеклардан ҳам фазогир чиқармикан, деб кўндан буён орзу қилардик. Ниятларимиз холис экан, миллатимиз вакилидан ҳам самогир етишиб чиқадиган бўлди.

Энди гап фақат мустақил Ўзбекистоннинг ҳам-дўстлик мамлакатлари сафидан ортда қолмай, ўз фарзандини самога йўллаш учун етарлича гамхўрлик қила олишда.

Келажакда ўзбек космонавтикаси Солижон Шарипов номи билан шаклланса, фазогирининг самога парвози мунд миллатнинг гурури, қадри юксалса не ажаб.

Уша кунларнинг келиши рост бўлсин. Суратда: Солижон ШАРИПОВ қизи Ўғора билан.

Етти кун

ФИРҚА ВА БОЛАЛАР

Жиззахдаги собиқ шаҳар партия қўмитасининг мажлислар зали «Вилоят болалар кинотеатри»га айлантирилди. Энди бу ерда болалар учун қизиқарли фильмлар, турли ўйин-томошалар уюштирилади. Бу республикамиздаги ана шундай биринчи кинотеатр-дир.

ИШ ВАҚТИ ҚИСҚАРДИ

Сиёб туманидаги Самарқанд трикотаж фабрикаси қошидаги «Меҳнат» ижара корхонаси ва бошқа ташкилотлар аёллар жамоалари иш кунини бир соат қисқартиришга қарор қилди. Энди аёлларнинг ўз оиласида бўлиш вақти бир соатга кўпайди.

НАСРОНИЙЛАР ҲИММАТИ

АҚШ христиан-баптистлар черкови ўзбекистонликларга полкомилетга қарши 30 минг доза вакцина ва шунча қазғич (шприц) тортиқ қилди. Тиббиётчиларимизга кўмаклашиш мақсадида мамлакатимизга келган доктор Жон Андерсон жанобларининг айтишича, икки-уч ой ичида Ўзбекистонга ушбу ноёб дорининг яна бир туркуми келиб тушади.

НАВБАТДАГИСИ НИМА БЎЛДИ?

Ҳамюртларимиз элимизни мусулмонобод қиламан деб умри ўтган бобоколониимиз Амир Темури номини «тиклаш ва абадийлаштиришга» киришиб кетдилар.

Қашқадарёнинг Қамаш туманида Амир Темури номидаги хиёбон пайдо бўлди. Бу ерда яқинда ҳайкал ўрнатилди. Маҳаллий банк бўлимида Амир Темури жағғармаси ҳисоб рақами очилди. Янгийўлдаги вино заводида «Темурланг» номли коньяк, Тошкент тамаки фабрикасида «Амир Темури» номли сигарет чиқариляпти. Ишончли манбалардан олинган маълумотларга қараганда, яқин орада қиморбозлар учун Темури лашкарбошилари, Бибиҳоним ва унинг канизақлари суратлари туширилган карта тайёрланади...

Шаҳрисабзда эса... Оқсарой вайрон бўлиб ётибди.

ОТИБ ТАШЛАДИ

Фарғонада маҳаллий милиция майори хотини, хотинининг ўйнаши ва энг яқин сирдош дўғонасини отиб ташлади. Сўнгра ўзининг кўксига икки марта ўқ узди, бироқ омон қолди. Суд милиция майорини отувга ҳукм қилди.

НОМИГА ЯРАША

Тошкент шаҳар китоб дўконларида А. Дюманин «Қирқ беш» [русча наشري] номли романи сотувга чиқди. Китобнинг баҳоси номига яраша — 43 сўм.

Ҳодиса

Бўлмади. Туннинг совуғи, бойўғли ва шақалларнинг кўрқинчли товушлари ҳаловатимизни бузди. Узоқда миллираб турган бир чироқ дилмизни ёритгандек бўлди. Еруғлик томон йўл олдик.

Хонадон соҳиби яхши инсон экан, уйига киритди, овқат келтирди. Ҳатто бироз мизғиб ҳам олдик. Тонг ёришганда йўлга тушмоқчи бўлдик. Ташқарига чиқсак, уйнинг шундоққина биқинида... шийпон. Худди ўзимизникига ўхшайди. Болалар ҳам, ўқитувчилар ҳам... ўзимизникига ўхшайди. Е тавба!

Ҳеч кимга сездирмасдан яна шийпонга кириб олдик ва ҳеч нарса кўрмагандек, этакларни белга тўкканча ҳамма қатори далага отландик.

Юсуф ЗИЕД.

ЎН САККИЗ ЙИЛ БУРУНГИ «ТОМОША»

Шу кунлари мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган саудиялик ватандошимиз Ҳожи Жамшид Тилов ўли фотриликлардан бирда куйидаги воқеани айтиб бердилар:

— Бундан ўн саккиз йил бурун гузорлик бир қариндошимиз билан Тошкентимизнинг обод жойларини зиёрат қилиб юрар эканмиз, пешин намозни фурсати етганлигини сезмай қолибмиз. Фарзимизни адо этайлик десак, яқин-ўртада мачит йўқ экан. Шу лаҳзаларда «Ўзбекистон» мусофир-

хонаси ёнида турмоқда эдик. Ҳамроҳимдан уэр сўраб, яқтагимни мармар майдончага ёздику намоз ўқимоққа тутиндим. Тўрт рақатли фарзани адо этиб, бошимни сақдадан кўтарсам, атрофимга тумонат одам йиғилган. Суннатини-да ақунляяпману биров кетай демайди. Аксинча, мардумлар сони ортгандан-ортиб борар, ҳамма менинг ҳаракатларимни маймун ўйинини томоша қилгандек, ғала-говур билан кузатар эди. Бу ҳолни кўриб, кўнглим бузилиб кетди. Аллоҳга илтижолар қилдимки, эй Поки Парвардигоро, бутун аждодлари мусулмон ўтган, дунёга ўнлаб муҳаддислар берган фароқаш элни қайси гуноҳлари учун шу куйга солдинг?... Узинг унинг гуноҳларини кефир! Уни имон-этиқод йўлига бошла...

Намозимни тугатиб, ўрнимдан туришим билан тўрт-беш полис (мелиса) мени сўроққа тутди: «Кимсиз?» «Нега тартибни бузасиз?...» Ҳамроҳим ҳам коммунист эди. Гап тегишидан чўчиб, ўзини четга олган экан.

Аллоҳга минг шукрлар бўлсинки, бу гал Ватанимни зиёрат айлар эканман, ана шу илтижоларимнинг ижобатини кўргандек бўлдим. Куни кеча Кўкалдош мадрасаси майдонида минглаб ватандошларимиз пешин маҳали саждага тиз чўкканлариде, атрофда томошабин бўлиб турган мардумни кўрмадим. Ватанимизга имон-этиқоднинг қайтаётгани рост бўлсин, илоҳ!..

[Ҳожи Жамшид жаноблари билан қизиқарли суҳбатни газетамизнинг кейинги сонларидан бирда ўқийсиз.]



Суратчи: В. ТУРАЕВ.

ЯНГИ КИТОБЛАР

«Ўзбекистон» нашриёти китобхонларга бир неча янги асарлар тақдим этди. Булардан бири шоира ва педагог Турсун Содиқованинг «Меҳриғи» мажмуасидир. Муаллиф унда инсоннинг маънавий қиёфаси, тарбия муаммолари, фарзанд тарбиясида онанинг ўрни ҳусусида баҳс юритади.

Муфтий Муҳаммад Содиқ Хожидан Юсуф Хожидан ўғли билан мусохаба асосида яратилган «Поклик имондандир» деб номланган рисола дилларини поклаш ниятида бўлган китобхонлар учун муносиб совгадир. Унда Ислоннинг одам, олам, аёл, фарзандлар, поклик, имон, илмга оид қарашлари таҳлил этилади.

Р. РАХМАТУЛЛАЕВ

«ОНА»НИНГ МУРУВВАТИ

Тобора мушкуллашиб бораётган ҳозирги шароитда кам даромадли, боқувчисиз қолган оилаларга ёрдам қилини чўзаётганлар ҳам оз эмас. Кейинги қисқа вақт ичида бир неча меҳр-шафқат жамиятлари очилаптики, уларнинг савобли ишларидан эл миннатдор.

«Она» меҳр-мурувват жамияти ҳам айти кунларда ўз фаолиятини хайр-эхсон ва эзгулик ишлари билан бошлади. Жамият Фрунзе туманидаги Абдулла Авлоний ҳамда «Яккасарой — 2» маҳаллаларида истикомат қилаётган кўпбанд хонадонларга саховат улашмоқда.

Кўп болали она Қумри Шарипова ва Холида Манноповаларга биттадан соғин сигир, ёлғиз, қаровчисиз оилаларга 10 тонна картошка, 5 тонна пивз тарқатди. «Она»нинг бундай мурувватидан ҳозирча 200 дан ортиқ хонадон баҳраманд бўлди, деб ёзади Зулфия Дўстмухамедова.

УМИД-ЛА
ЁРУҒДИР
БУ ДУНЁ

Исмоил ака тўйдан дилхун қайтди. Иқбол холанинг «ҳай-ҳай» деганига ҳам қарамай қоқ пешинда кўрпага ўраниб ётиб олди. У ёш боладек ҳўнграб йўғларди. Ора-сира: «Эй худо! Менинг не ёзиғим бор эди, тирноққа зор қилдинг», деб қўярди. Бу сўзларни эшитиб Иқбол холанинг ҳам кўзларига ёш куйилди. Силкиниб-силкиниб, обдон йўғлади. Уларни овутадиган ҳеч кимлари йўқ, бу икки жуфтнинг тақдири азалларидаги ягона каму кўстлари ҳам шу эди.

Исмоил ака ҳамиша одамлар билан ҳол-аҳвол сўрашганда битта саволдан юраги безиллаб турарди:

— Бола-чақангиз яхшими?

Бугун яна шу саволга дуч келди. Бир нотаниш киши бетинг-кўзинг демая шундай деб турибди. Танамасанг, оиласидан беҳабар бўлсанг, нега болаларинг суриштирасан? Дунёда бефаросат одамлар ҳам кўп-да. Аммо Исмоил ака ўша одамни айблай олмади. У атай сўрамади-ку ахир, деб кўнглига таскин берди. Лекин даврада ўтиролмади. Қайфияти бузилди. Турдию, «хайр-хўш»ни ҳам унутиб шитоб билан уйига жўнади. У кетгач тўрда ўтирган мўйсафид: «Дили оғриди-да бечоранинг», деди эшитилар-эшитилмас.

Дунёдаги ҳар қандай қалб жароҳатини меҳнат тўзатар экан. Дили Шаҳристон тоғлари этагидаги Қайирма қишлоғида Исмоил Яхшибоев ҳам бутун дарду аламини меҳнатдан олди. Уста Богбон, миришкор деҳқон бўлди.

Кўнларнинг бирида Исмоил ака болалар уйига бор-

ди. Муддасини айтди. Абдурахмон ўшанда ўн бир ёшда, укаси эса саккизда, қолганлари ҳали гўдак эди. У авваллига ака-укаларни бир-биридан ажратмай бешовини ҳам ўз тарбиясига олмақчи бўлди. Лекин юраги чопмади. Ёши бир жойга бориб қолган, баргдай узилиб кетса қиқиналар яна сағир бўлиб қолишдан чўчиди. Кейинчалик эса бу хатоси учун жуда афсусланди. Энди кеч бўлган, қолган болалар ҳам яхшилар кўлига узилиб кетганди. Қолаверса, Абдурахмон ҳам, укаси ҳам унга тез орада меҳр қўйишди. Исмоил акани тортинмасдан «ота», Иқбол хола эса «она» деб атай бошлашди. Ота-оналари ва болалар бир-бирларининг кемтик кўнгилларига маҳкам бўлишди. Хонадонга бахт ва нур келгандек эди.

Иқбол хола ниятига етди. Қирқ йиллик қадрдонига «отаси» деб мурожаат қиларкан бўлди. Исмоил ака ҳам рафиқасини «онаси» деб атай бошлади.

Ииллар ўтди. Шу кўклам ўрталарида Нуробод қишлоғи узра жарчининг овози таралди.

— Исмоил аканикига тўйга-а!

Абдурахмоннинг бахт тўйи, Исмоил ака хурсанд:

— Онаси! Келин-куёвга оқ фотиҳа бердим. Ҳамма, ёшигиз улуғ фотиҳани сиз беринг, деб туриб олишди.

Бу хушхабардан Иқбол холанинг ҳам боши осмонга етди. Ичкаридан келин-куёвлар — Абдурахмон ва Гулбахор ота-оналарига пешвоз чиқишди...

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ

5. ХУНАР УРГАНМОҚҚА
БАҲОНА ЙУҚ

Эй фарзанд, танбаллик ёмон хислатдир. Унинг оқибатида текинхўрлик, ёлғончилик, ўғрилиқ ва бошқа кўп қусур хислатлар пайдо бўладики, бу яратганининг паноҳида ширқдан зиёда гуноҳдир.

Эгамиз дунёга борки неъматни сочиб ташлаганлар. Уни ҳалол меҳнат билан териб олиш сизу бизнинг вази-фамиз.

Кишининг хунар ўрганмоққа қунти бўлмаса-ю, уни бу юмушга мажбур қилмоқ мумкинми? Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтмишлар: «Хунар ўрганмоқдин бош тоблаган бандат ҳатто энг оғир жазога лойиқ, Бекорчилик — гуноҳдир».

Ривоят:

Самарқанди азимнинг нуфузли кишиларидан бири, анинг жони жаннатда бўлсин, бу воқеани мисол қилганим учун руҳи ўқинмасин, эрта вафот қилиб, хўжаликнинг катта юки тўнғич ўғилга қолди. Уша кишининг кичик ўғли бўлиб, хонадоннинг эркаси эди. Унга хунар ўргатиш ҳам оғасининг зиммасида қолди. Умрнинг пасту баланди, аччиқ-чучугини татиб кўрмаган ўсмир оғасининг барча насиҳатларидан бош тортиди. Унинг эътиборли сўзларига «Сен аввал ўз арвангини торт! Мен билан ишинг бўлмасин!» қабилида кўрс жавоб қайтарарди. Оға укасини сўкай деса, калтаклай деса,

кекса онасини ранжитиб, дилини оғри-тишдан истиҳола қилар эди.

Охир-оқибат ўсмир ёмонлар гуруҳига тушиб, оила шаънига кўп но-лоийқ таъналар келтира бошлабди. Аввалига отанинг ҳурмати ва оғанинг иззат-иқроми орқасидан ўсмир жазосиз қолаверибди. Аллоҳ — таолонинг марҳамати кенг, аммо ҳар бир қинғирликнинг ўз чегараси бор.

ТАНБЕҲ АЛ —
ҒОФИЛИН

Оға уканинг тақдирини Аллоҳ таолонинг ҳукмига ташлабди. Қинғир ишларнинг жазосини тортди, кўзи очилади, деган ниятда унинг ишларига бошқа аралашмабди. Шусиз ҳам хизмат юмушида укасининг орқасидан кўп дашнолар эшитиб, топаридан кўт-барака кета бошлабди.

Кичик ўғил ўғриллар тудаси билан қўлга тушибди. Жазоси — икки қўлидаги бармоқларидан айрилди. У бутунлай уйдан кўчага чиқолмай қолибди. Изн-ихтиёри хизматкорлар қаровида бўлибди. Турмушни енгиб деб ўйлаган укасининг охир-оқибат ичиндан эзилётганини сезган оға отасининг дўсти — эътиборли фақиҳ ҳузурига бориб, маслаҳат солибди.

АБУ ЛАЙС АС-САМАРҚАНДИЙ

Фақиҳ йигитнинг сўзларини диққат билан тинглагач:

— Инингизни ҳузуримга бошлаб келинг, у билан ҳоли суҳбатлашай,— дебди.

Қаршисида бармоқлари кесилган ўсмирни зимдан кузатаркан, фақиҳ

ди. Итнинг икки орқа оёқлари йўқлиги ўсмирни таажжубга солибди.

— Утган йили савдогар қўшин итни ҳовлида қолдирди. Оёқларини арава босиб кетган экан. Маслаҳат қилгани чиқибди. «Не қилмоқасин?» деган саволимга, «Жонзот озов чекмасин, ўлдириб, кейин кўмайлик» деди. Уни ниятидан қайтардим. «Аллоҳ-таоло бу ҳайвонга берган руҳни нима учун сиз олишингиз керак. Табибларга кўрсатиб, итни ўлимдан асраб қолдим. Мана, насибасини териб юрибди...

Бу таърифнинг маъноси нима, дегандек, ўсмир фақиҳга қаради.

— Ажабланишингиз қизиқ? Ухшатишим сизни ранжитмасин. Аммо ит икки олд оёғида юриб бўлса ҳам яшайпти-ку?! Наҳотки сиз...

— Демак, хунар ўрганмоқлик...

— Ҳа, бироз машаққат чекасиз, холос.

Эй, ақлини беҳуда ишларга сарф қилиб, оқибат ёмонлиғи бўлган ўғил, тафаккурингни лойга булғам! Хунар ўргатай десалар, дангашлик қилиб, баҳона излама, токи бошанига юқорида баён қилинган ўсмирнинг аҳволи тушмасин.

[ДАВОМИ БОР.

БОШИ УТГАН СОНЛАРДА].

Эшик секингина очилиб, эллик ёшлардаги кишининг боши кўринди. «Мумкинми?» — деди у журъатсизгина. Навбатчи эдим — столим устида газетанинг ўқилмаган саҳифалари қалашиб ётарди. Аввалига у кишини бўлимлардан бирига йўлламоқчи бўлдим, яна фикримдан қайтдим. Мени бу қарорга ундаган унинг ниҳоятда факторона кийингани, чўяндан ҳам қорайиб кетган юзи ва умидсизлик билан боқувчи ҳорғин кўзлари бўлди. Одатда киши энг яқин кишисидан жудо бўлиб, ўз ёнига ўзи қоврилиб қолса, ана шундай аянчли ҳолга тушади. Унинг юзларини офтоб эмас, дард, изтироб куйдирганини, куйдирётганини сезиш қийин эмасди.

Унга қаршимдаги курсидан жой кўрсатдим. Ҳол-аҳволини сураган бўлдим. Домла (унинг қишлоқ ўқитувчиси эканини оҳори тўқилган костюм-шим, кўпол ботинкасию бўртиб турган чекка томирларидан билиш қийин эмасди), шикоятини жуда аънавий бошлади. Самарқанддаги, Тошкенту Москвадаги жамики мўътабар идораларнинг остонасида қунаб эмас, ойлаб ётган, ҳатто очлик эълон қилган, аммо муроди ҳосил бўлмаган. Унинг арзига биноан ўтказилган кўпдан кўп текширувларнинг бирортасидан адолат юзага чиқмаган. Домланинг жамики идоралардан, уларда ишловчилардан, раҳбарлардан, умуман, ҳаётдан кўнгли қолган.

— Узи нима бўлган эди? — деб сўрадим.

— Э-е, сураманг! — Фойдаси йўқ маъносида қўл силтади у ва шундай оғир хўрсиндики, ҳўнграб юборармикан деб чўчидим. Буни ўзи ҳам сезди, шекилли, титраган кўлларига пивёлини олиб, чойдан ҳўплади. «Култ» этиб ютингач, илтифотсизгина гап бошлади.

— Пешинда мактабдан келиб, уйимнинг орқасидаги бир парчагина томорқада куймаланаётган эдим. Мотоциклининг патиллагани эшитилди. Таниб, бошимни кўтардим. Укам экан. У колхоз гаражида механик бўлиб ишларди. Томорқамизнинг икки томони ҳам кўча. Бир этагидан катта магистрал ўтган, иккинчи томонидан кўча тушган. Хуллас, укам катта йўлдан бурилиб, кўчамизга кирган чоғида унга бир оқ «Жигули» рўй барўй бўлди. Машинани ҳам танидим, кўшилларимизники. Шу пайт мотоцикл қаттиқ бир «ванг-г!» этди, ўчди. Кимдир додлади. Чопиб борсам, укам оғзидан қон келганча тупроққа беланиб ётибди. Беш-ўн қадам нарида «Жигули» турибди. Чап қаноти қийшайиб кетган. «Жигули»га югуриб борсам, ичида ҳамсоям ўтирибди. Урай десам, кўлим бормаиди, сўкай десам — тилим. Ердам беринг, десам бир нима деб гулдирди, тили сўзга келмайдиган даражада маст.

Хуллас, йўловчи мошинда укамни касалхонага олиб бордик. Уч кундан сўнг ўзига келолмай жон берди. Уни кўмдик, еттизини ўтказдик ҳамки, биров нега бундай бўлди деб сўрамайди. Ҳамсоямиз эса ҳеч гап бўлмагандай бепарво юрибди. Мелисахонага бордим. «Текширяпмиз», дейишди. Икки-уч ҳафтадан сўнг яна йўлиқдим.

«Айб укангизда экан, — дейишди. — Узи томорқа деворига урилиб жороҳатланган. «Жигули»нинг айби йўқ».

Хуллас, тўрт йилдан буён шу гапни эшитаман. Биз укам билан овора бўлиб қолганимизда ҳамсоямиз ҳамма ёқни «тўриллаб» қўйган экан. Узи селлода раис бўлиб ишлайди. Истаган ерга қўли етади. Укамдан уч норасида қолган. «Ота!» деб йиғлайди. Ҳамсоям бўлса, ақалли кецирим сўраш ўрнига, кўча-кўйда дуч келиб қолсам, машинаси билан устимга лой сачратиб ўтиб кетади. Бунинг устига, қишлоқда, фалончи укасининг ўлигини сотибди, селпонинг раисидан фалон минг сўм олиб, даввосидан кечибди, деган миш-миш тарқалган. Бундай тавналарни эшитганимда, дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетади. Энағарнинг улини шартта болта билан чопиб ташласаммикан, деган хаёлгаям бораман. Яна базўр ўзимни босаман. Қамалиб-нетиб кетсам, ўзимнинг, укамнинг рўзғори не кечади, деб ўйлайман. Лекин, ука, барибир уни бир балага йўлиқтирмасдан қўймайман...

— Шунчалик катта ташкилотлар сизга ёрдам беролмаган бўлса, муҳбир нима қилиб бера оларди, ака? — дедим аста.

Домла синиқ кулимсиради. — Биламан, ёрдам беролмайсизлар. Шунчаки, уйда чидаб ўтиролмаганимдан, Сизларни қора тортиб келавердим-да, ука. Кеча газетларингизда шунга ўхшаш бир воқеани ёзган экансизлар, ўқиб ўзимни кўярга жой тополмай қолдим...

Бечорага қандай ёрдам қилишни, нима деб таскин беришни билолмай қолдим. Унинг аламазда кўнгли эса таскин истарди.

— Худонинг борлигига ишонасизми? — деб сўрадим ўзим ҳам кутмаган бир ҳолатда.

— Нима эди? — Домла менга ҳайрон тикилди.

Билардим, домла мурожаат этган ўнлаб, юзлаб идораларда унга ҳеч ким бундай савол бермаган, худони тилга олмаган. Газета ходимидан-да у бундай гапни кутмаган. Ҳали-ҳамон атеистлар мамлакатда яшаётган эдик-да.

— Мен Аллоҳга ишонаман, — дедим унга далда бериш учун. — Сизчи?

— Мен ҳам... — деди у гапларимга ишонмайроқ.

— Унда, ака, Сизга бир маслаҳатим бор. Шу ишни худонинг ихтиёрига солинг.

Кўнглингиздан чиқариб ташланг. «Парвардигорим, — денг, — укамнинг ўлимида ким гуноҳкор бўлса, жазосини ўзинг бер. Айб укамнинг ўзидан ўтган бўлса, давводан кечдим, денг...» Бу куйиб-ёнишда ўзингиз ҳам бирор тузалмас дардга чалинишингиз мумкин...

У бир лаҳза ўйланиб қолди. Сўнг бирдан юзи ёришиб кетди:

— Кўнглим шу ёққа тортигани бежиз эмас экан-да. Сезувдим-а! Нимага шу пайтгача бу гапни ҳеч ким менга айтмаган экан?!

У қиблага юзланди, қўлларини очиб, кўзларида ёш билан бутун вужуди ёниб, ўртаниб илтижо қилди:

— Ҳаммасини ўзингга солидим, Қодир Эгам!.. — деб дуосини тугатди. Хонамдан анча енгил тортиб, ҳатто қувониб чиқиб кетди.

Билмадим, орадан қанча вақт ўтди — балки бир ҳафта, балки — ўн кун, ҳар ҳолда бундан кўп эмас. Бир куни телефон кўнгириги узоқ жинглилади. Гўшакни кўтарсам, эр кишининг ҳаяжонли овози эшитилди.

— Сиз айтгандай бўлди, Қулман ука! — деди у саломаликни ҳам, ўзини таништиришни ҳам унутиб. Табиийки, унинг бу гапларига тушунмадим. Сим қоқувчи тушунтирган бўлди:

— Мен Сизнинг олдингизга борган, укаси ўлган домламан. Эсингиздами, Худога солинг деб маслаҳат берувдингиз?.. Айтганингиздай бўлди!..

— Хўш-хўш, нима бўлди?!

— Кеча томорқамизнинг этагидаги катта йўлда ўша жиноятчи кўшнимиз «Жигули»си билан бир «КамАЗ»нинг тагига кириб кетди. Узим кўрдим. Маст экан, ҳозир касалхонада ўладиган аҳволда ётган эмиш!..

— Оббо! Тавба қилдим, денг, ака! Тавба қилдим! Бировнинг бошига тушган кўргуликдан қувониб ахши эмас!..

— Тавба қилдим, тавба қилдим! Лекин, бандаси ўз гуноҳини мелисадан ҳам, суддан ҳам, халқдан ҳам — ҳаммадан яшириши мумкин экану, Худодан яширолмас экан. Шунга яна бир бор ишондим, ука...

Афсуски, домланинг исм-шарифини ҳам, адресини ҳам сўрашни унутибман. Аслида-ку, муҳими бу эмас. Муҳими Сизу биз бу воқеадан чиқарадиган хулосамизда...

Қулман. ОЧИЛ

Дераза

ГОРБАЧЁВ АРОҚ ИЧМАС ЭДИ-КУ!

Михаил Горбачёв жаноблари ташкил этган жамғарма Урисиёдаги шиша заводларидан бирига мингга яқин қадаҳ-стакан, рюмка ва бошқа ичимликбоп идишларни харид этишда ёрдам беришини сўраб мурожаат қилди. Бу ёнига энди ароқ топила бўлган.

ДИНИЙ БОҒЧА

Урисиё пойтахтининг Чертаново туманида мусулмон уламою арбоблари-да ибрат олса арзигулик иш бошланди: яқинда провослав болалар боғчаси очилади. Унинг шўро боғчаларидан фарқ қиладиган жиҳатлари — ким зўр чизади, зўр ясайди, тез югуради эмас, меҳрибонлик, шафқат, эътиқод. Бунинг устига, боғча харажатлари давлатникидан анча арзон.

САЛОМ, АНҚАРА!

Алоқа ходимлари бизни Туркия ойнаи жаҳони томошаларидан баҳраманд этиш устида иш бошладилар. Бу иш эсон-омон амалга оширилса, Урисиё ТВ сига бўлган муҳтожлигимиз камайиб, олам ахборотларини танлаб томоша қилиш ва эшитиш имкони туғилади, деган умид бор.

«Комсомольская правда»нинг ёзишича, Анқара бизга замонавий полиграфия ускуналаридан ҳам ёрдам қилмоқчи. Фақат бир шarti бор: алфавитимизни яна лотинча қилишимиз керак.

ТУРКИЯДАН КЕЛГАН СОАТ

Красноярсклик Федор Тихонинга Туркиядан совга — электрон соат келди. Ун икки ёшли боланик чайнаган сақичларнинг жилдини йиғиб, маҳсулот чиқадиган фабрикага жўнатган экан. Ўз миҳозининг қадрига етадиган қардошларимиз эса Федорбойни соат билан сийлашди.

ФАҲШ ЭРКАКЛАР

Аёл фоҳишалар ҳақида кўп эшитганмиз. Урисиёда ўзини аёлларга сотиб кун кўрувчи эркаклар сонин ҳам кўпаяётгани ҳақида ташвишли хабарлар тарқалмоқда. Бунинг икки сабаби бор: Пушканининг юртида эркаклар сонин аёлларга нисбатан камайиб кетган, яшаш шароити ҳам тобора оғирлашмоқда.

МАҒЛУБНИНГ ҒАЛАБАСИ

Иккинчи жаҳон урушида Шўро империясидан мағлубиятга учраган Япония фуқаролари дунёда энг узоқ яшовчи кишилар сифатида рекорд қўйдилар. Уртача ёш — 79 га етади деб қолди.

ЭШИГИНГИЗ ТУТҚИЧИ ЖОЙИДАМИ!

Эстонияда мис касаллиги бошланди. Метал етишмаётганлигидан, ҳатто эшикларнинг тутқичию троллейбус симларигача ўтариб кетишмоқда. Бу — юқумли касалликдан эҳтиёт бўлайлик.

МАЗЛУМНИНГ ДУОСИ



ЎТГАН УМР БИЛАН УЧРАШУВ.

Суратчи: Х. МАМАТҚУЛОВ.

**ТАҚДИРИМДАН
НОЛИМАЙМАН**

Мен 8 ёшимда ҳам отамдан, ҳам онамдан ажралганман. Оилада энг кенжаси эдим. Икки акам, икки опам бор. Асосан акам тарбиясида вояга етдим. Болалигимда, қани энди ота-онам бўлса-ю уларни қучоқлаб эркаласам, деб орзу қилардим. Баъзан оёқларимизни қумга кўйиб, «арпа пиши, буғдой пиши» ўйнар эдик, шу пайт болаларнинг бирортасининг онаси келиб қолгудек бўлса, «ана онам келяпти, уришадилар» дея югуриб кетарди. Мен эса ҳеч қимга керагим йўқдай ичимдан зил кетардим.

Ҳаёт экан, қийинчиликлар ўтиб, турмуш қурдим. Турмуш ўртоғимнинг тақдири меникидан қолишмайди. У киши болалар уйда тарбияланган, кейинчалик Тошкент ирригация институтини битирган. Мен ҳам қийинчиликлар орасида 5 бола билан институтни сирдан тугатдим. Бутун кўришликларим ортда қолди деб севинган эдим. Йўқ, адашибман. Камлик қилгандек, 19 ёшли ўғлимни қабрга қўйдик. Бу фожиадан бир йил ўтар-ўтмас دادаси ҳам оламдан ўтди. 40 ёшимда 6 нафар фарзанд билан бева қолдим.

Шунга ҳам, мана, 14 йилдан ошди. Бироқ тақдиримдан нолимайман. Болаларимнинг бахтини кўриб, невараларимнинг қулусини эшитиб чеккан азобларим юз ҳисса шодлик бўлиб қайтмоқда бўгун. Менга ато қилинган сабр, қаноат учун Оллоҳга минг шукр дейман.

Моҳира РАВШАНОВА,
Самарқанд.

САБОҚ

Мактабларда «Одобнома» дарсларининг ўтилиши жуда яхши. Лекин дарс соатлари қисқа. Таълим-тарбияни мустаҳкамлаш учун «Қуръон сабоқлари» дарси киритилса. Умуман, мактабларда динга эътиборни кучайтириш керак. Чунки Қуръон ва Ҳадислардан сабоқ олиб, эътиқодли бўлиб тарбияланган киши ёмон ишларга қўл урмайди. У ҳозирги ёшлар ўртасида авжга чиққан бадхулқликларнинг олдини олишда ўзининг бемисл вазифасини ўтаб, буноқ сабоқ бўлар эди.

Фарҳод АРЗИЕВ
Самарқанд

**ШАРҚОНА ЛИБОС
УЯТМИ!**

Мен атлас кўйлак-лозимда, сочимни майда ўриб, дўппи кийиб юришнн жуда хуш кўраман. Бир куни А. Навоий театрининг олдидан ўтиб кетаётсам, йнғилишиб турган кишилардан бири: «Худого минг қатла шукр, муулмон қизлар ҳам бор экан. Оқ сут берган онанга раҳмат, қизим», деб қолди.

Аммо миннатдор нигоҳлар, бу каби дуолардан ташқари, истеҳзоли лаб бўришларни ҳам кўп кузатаман. Гоҳида «замонавий» қизлар ошқора «тош» ҳам отишади. Мени ёнларида кўришдан ор қилишади. Гўёки маданиятсизликда айблашади.

Нахотки, рўдаподай қора юпкалар, қирқилиб, сохта жингала қилинган сочлару ўстирилган тирноқлар маданиятдан нишона бўлса!

Латофат БЕГМАТ қизи,
толиба.



— УРИЛГАН СОЧ БИЗЛАРГА ЯРАШАДИ.

Суратчи: Абдул Ғани ЖУМА.

**ЕР ОСТИДА
ҚИРҚ БЕШ ЙИЛ**

Опа-сингил, эгизак Зинада, Лидия, Анастасия ва Нина Перваловалар ер остида роса қирқ беш йил умргузаронлик қилдилар. Улар Тюмендаги кўҳна уйлардан бирининг ертўласида таваллуд топишган. Улуғ Ватан уруши йилларида ертўлага қирадиган йўл батамом бекилиб қолганди...

Яқинда ёштан тикланган уйнинг деворларини булдозер билан йиқита бошлашди. Булдозер деворнинг катта бўлагини сураётган пайтда... Яхшиси, воқеанинг бевосита гувоҳларидан эшитганимиз маъқул. «Тюменспецстрой» қурилиш-монтаж участкаси ишчиси Н. Черепанов шундай дейди: — Тўйнука кўзим тушди. Қарасам, тим қоронғи. Булдозерчига «тўхта!» деб ишора қилдим ва тўйнуқдан пастга туша бошладим. Гугуртин ёқиб йўлак бўйлаб кетавердим. Мойчиқроқ ёниб турибди. Қандайдир аёллар бурчакка тикилиб олишган. «Ташқарига чиқинглар, ҳозир ҳаммасини йиқитаемиз», дедим. Ташқарига даъват қилиб бировининг қўлидан ушласам, шовқин

кўтарилди. Юзлари қандайдир ғалати, оппоқ.

Воқеадан хабардор қилинган Тюмен Давлат дорилфунуни доценти Я. И. Грачевский дарров етиб келди. — Уларнинг қандай аёллар эканликларини билганимдан сўнг, бадинимга титроқ кирди, — дейди Грачевский, — Айтсанг, одамлар ишонишмайди: ахир улар қирқ беш йил ер остида яшашган ва шу йиллар мобайнида ҳеч қимни кўришмаган!

Москвадаги адаптация ва ассимиляция Бутуниттфоқ олийгоҳи профессори Александр Корневичга қўнғироқ қилиб, ғалати ҳодисадан воқиф қилдим. У киши биринчи рейс билан шахримизга учиб келди.

Опа-сингилларнинг ертўлага қандай ҳолатда тушиб қолганликларини давлат хавфсизлиги полковниги В. Чернов шундай изоҳлайди:

— Улар ертўлага тушиб қолишган эмас, балки шу ерда туғилишган! Отанолари Анна Фёдоровна ва Петр Филиппович Перваловлар ташқарига

чиқиш йўли беркилиб қолганидан сўнг, ертўлада қолиб кетишган. Петр Первалов 1941 йилнинг сентябр-октябр ойларида Тюменда ташкил этилган ҳарбий қисмлардан бирининг омбор мудири бўлган, хотини эса кир ювувчилик қилган. Уша йил октябр ойининг 23 дан 24 ига ўтар кечаси Тюменнинг турли ерида учта портлаш рўй берган. Портлашларнинг биттаси Перваловлар қарор топган ҳарбий қисм ҳудудида содир бўлади. Портлаш пайти ҳарбий омбор ертўласининг чиқиш йўлига девор қулаб тушади. 60-йилларнинг охириларида вафот этган ота-оналари ҳикоя қилиб берганларига кўра, опа-сингиллар бу тахминни тасдиқлашди.

Эр-хотин Перваловлар нега ўша кеча омборда эдилар ва нима учун уларни ҳеч қим изламади, сўраб-суриштирмади, деган саволга вилоят ҳарбий комиссари С. Никитин шундай жавоб беради:

— Тюменда ташкил қилинган ҳарбий қисм 24 ноябрга ўтар кечаси эшелон-

ларда фронтга йўл олган. Қолаверса, Перваловларнинг ҳеч қимни йўқ эди, урушдан кейин ҳам уларни бирон киши сўраб-суриштирмаган.

Бу одамлар ер тагида шунча вақт қандай яшашган, нима еб-ичишган! Ертўладан топилган ҳужжатлар, ашёлар саволларга оидинлик киритади. Умумий майдони 450 квадрат метр бўлган бу улкан ер ости омборида озик-овқат ва кийим-кечақларнинг катта захираси бор эди. Бу ерда оғирлиги бир кило бўлган ўн уч минг банкадан ортиқ мол гўшти, қотирилган нон, ёрма, тайёр масаллиқлар, қуюлтирилган сут, шоколад, қиртилган мевалар бўлган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, опа-сингиллар ертўлада яна 7—8 йил бемалол яшашлари мумкин экан. Ертўлада аскарлик кийим-кечақлари, керосин, гугурт ҳам етарли эди. Омборнинг ёр бурчагидан сув доим чиқиб турган.

Урушнинг «ерошти болалари» Москвага — адаптация ва ассимиляция Бутуниттфоқ олийгоҳига юборилди.

«Курьер для Вас»
газетасининг 1992 йил
1-сонидан.

Эълонлар

**ОНА БЎЛСАМ
ДЕЙМАН**

Ҳаёт кутилмаган тасодифларга гўла. Мен ҳам ана шундай тасодиф туфайли азобда қолдим. Турмуш ўртоғим билан ширин ҳаёт кечириб, фарзанд кутаётган эдик. Аммо бир куни қоқрилиб кетдим, ҳомиламдан ажралдим. Врачлар операцияни эътиборсизроқ ўтказишган экан, фарзанд кўришим қийинлашди. Ажрашдик. Ҳозир Жиззах шаҳрида уч хонали уйда яшайман. Шарт-

шаронтим жуда яхши. Ака-укаларим, опа-сингилларим, қўни-қўшиларим билан иноқ яшаймиз. Касбим муаллима, мактабда ўзбек тили ва адабиётдан дарс бераман. Болаларни жуда яхши кўраман, лекин уларни севганим сайин ўзимнинг фарзандсизлигим ёдимга тушаверади. Бола бермадан олай десам, бизнинг жамиятда бу ҳам осон иш эмас экан. Турмушга қандай десам, оғзим қуйиб қолишдан қўчийман. Аёлидан жудо бўлиб, фарзандлари билан қиналиб яшётган кишилар ҳам бор-ку. Мен ана

шундай оилага бека бўлишни, фарзандларни (нечта бўлса майли) оқ ювиб-оқ тараб вояга етказишни орзу қиламан. Садқоқатли ёр, меҳрибон она, севимли келин бўлгим келади.

Уша ёлғиз инсон хоҳласа фарзандлари билан менинг Жиззахдаги уйимга кўчиб келсин. Йўқса, майли мен у кишининг уйига бораё. Энг муҳими — фарзандлари бўлса, бир-биримизни тушунсак, турмуш ташвишларини енгишда бир-биримизга

сўянчиқ бўлсак. У кишининг ёши 40 дан катта бўлмаса. Менинг ёшим эса 29 да. Бўйим 170 см.

ҲАЙРИНИСО,
Жиззах шаҳри.

Таҳририятдан: Ушбу кат эгаси билан танишмоқчи бўлганлар таҳририятга фақат хат билан мурожаат қилсин. «Оила—21» га деб ёзинг.

ЕШИМ 50 ДА

Тўртқўлдаги (Қорақалпоғистон) шифохоналардан бирида ишлайман. Бир ўғилнинг отасиман. 35-40 ёшлардаги, фарзанди бўлса бош устига, хушмуомала, пазанда аёл билан турмуш қурш орзусидан. «Оила — 20» га деб ёзинг.



— Исмоил бобо, аввало ёшлик йилларингиз ҳақида гапириб берсангиз! Сизни катта бойнинг боласи бўлган дейишади.

— Тён-шон тоғлари орасидаги узок Қорақул қишлоғида (ҳозир шаҳарга айлантирилган) турилганман. Бойлик қайда, ғирт етим эдим. Сағирлик жуда эрта бошимга тушди: уч ёшлигимда онамдан, 10 ёшимда отамдан ажралганман.

Ирдик деган жой бўларди, у ерда хитойлар яшарди. Улар қорадори экишар, мен эса уларнинг хизматини қилиб кун кўрардим. Бошланғич мактабни тугатгач, Фарғонадаги тўқима-чилик комбинатида ишлаш бошладим. Комсомол сафидаги фаол хизматим учун мени марказга тавсия этишди. Улар мени Москва Олий чегара мактабига юборишди. Уқини тамомлаб, Беларусияда бироз хизмат қилдим, чегарада. Сўнгра, җилтмосимга кўра, Самарқандга келиб, 6-ўзбек миллий дивизиеси сиёсий бўлимида иш бошладим. Дивизия 20-йилларда ташкил этилган бўлиб, мен келганда бу ерда асосан ўзбек фарзандлари хизмат қилишар эди. 1932 йилдан 1938 йилгача шу ерда хизмат қилдим.

— Дивизия нима мақсадда тузилган эди?

— Мақсад Шўролар ҳокимиятини ўша пайтларда бош кўтарган исёнчи «босмачилар» тўдасини ҳимоя этиш эди. Унинг сафида Мирқомил Миршарапов, Ҳожизода Наримонов, Собир Рахимов, Иброҳим Бекжонов каби таниқли ҳарбийлар хизмат қилишарди.

ҲЕЧ ҚИМ МЕНДЕК АДАШМАСИН

Қизиқ замон бўлди. Кун кеча ҳақиқий миллат, халқ ва юрт отаси бўлган инқилобчилар бугун, беозор қилиб айтганда, ўйланиб қолишмоқда. Негакки, уларнинг «мағлуб этилган» рақиблари — «босмачилар», маълум бўлдики, ҳақиқий миллатпарварлар экан. Бир умр эътиқод қўйиб, ишониб, курашиб яшаган гоёғи ёшиг бир жойга беворганда ёлгон бўлиб чиқса, нима қиласан? Қимдан хафа бўласан?

Исмоил бобо Салимов билан суҳбатлашишга чоғланганимнинг боиси ҳам шунда. Бобо ҳозир 82 ёшда. Генерал Доватор, Будённый, Фрунзе, Куйбисhev каби устозлари қўлида нафақат таълим, балки унвону нишонлар, эсдалик совгалари олган машҳур киши. 20-йилларда ташкил этилган ва «босмачиларга қарши қонли жанлар олиб борган «6-ўзбек дивизиеси» деб аталмиш ҳарбий уюшманинг саркорларидан. Коммунистик партиянинг масъулятли вазифаларида хизмат қилган. Ҳозир қарилик гаптини сурмоқда.

— Сиз ўзингиз ҳам ўша «босмачилар» билан бўлган жанларда қатнашганингиз! «Босмачилар»ларни ўлдирганингиз!

— «Босмачилар» деган тушунчага изох бериб ўтишни лозим деб билман. Юртнинг қийин аҳволдигидан фойдаланиб, ўғрилиқ, каллақесарлик билан шуғулланувчилар бор эди ва яна Мадамминбек, Кўр Шермат, Холхўжа ва Иброҳимбек сингари «босмачилар» ҳам бор эдики, энди уларни биринчи гуруҳ тоифасидагиларга қўшиб бўлмас эди. 1930 йил партия ва ҳукумат топшириғи билан Хитойга ўтиш керак эди. Олой тоғларининг ичида Жонибек қози ўзининг қуролли кучлари билан ўша ердаги қишлоққа ҳужум қилиб, уларнинг қурол-аслаҳаларини олиб кетди. Олайғулла қишлоғидаги чойхонада ўтириб, барчасини қўз кўзим билан кўрдим. Жонибек қози ўша ердаги қишлоқ шўрсининг раиси эди. Мен уни таниганим учун Қашқардан қайтишда қидирув олиб бораётган ҳарбийларга кўрганларимни айтиб бердим. Бу менинг биринчи мартаба босмачилар билан тўқнашишим эди. Қашқардан 150 минг камбағал деҳқонни ташвиқот қилиб, бу ёққа олиб ўтдик. Улар Фарғона, Андижон, Наманган ва Ўшдаги пахта экиладиган ерларга жойлаштирилди.

Жангларда қатнашганман. Билмадим, балки ўлдирган, балки ўлдирмагандирман. Чунки, аёвсиз жанг, тўс-тўполон...

— Бугунги кунда «босмачилар» деб номланган гуруҳ ҳалқнинг озодлиги, мустақиллиги учун курашувчилар сифатида баҳоланмоқда. Сиз бунга қандай қарайсиз!

— Мен ҳам худди шундай деб ҳисоблайман. Шу пайтгача биз сиёсий онсизлигимиз туфайли мустақилликни тўлиқ тушунмай келдик.

— Сиз ва сизнинг сафдошларингиз бутун умрингизни шўролар ҳокимиятига бағишлагингиз. Шўрога шунча хизматингиз эвазига нимага эришдингиз!

— Коммунистлар партиясига, марксизм-ленинизм ғояларига жуда ишонар эдим. Халқимиз озодликка чиқади, чор Россиядан кутулиб, ҳар бир халқ эмин-эркин яшайди, деган фикр миямда ўрнашган эди. Бугун ғувоҳман, барчаси ёлгон экан. Бу ҳокимиятнинг мақсади фақат босқинчилик бўлган экан. Оддий бир мисол, Афғонистон масаласи — Пётр I, Екатеринбург даврида кўтарилган масала. Қанчадан-қанча ёшларнинг умри ҳазон бўлди. Афғон халқининг кўксига битмас яра солди, бу босқинчилар.

Биз «босмачи» деб билган исёнчилар ҳақиқий босмачилар билан курашган эканлар. Буларни ўша даврларда тушунганимда ҳеч ҳам «босмачиларга» қарши курашмаган бўлардим.

Фарзандларингиз ҳақида ҳам сўзласангиз.

Раҳматли оила билан уч фарзандни тарбиялаб, вояга етказдим. Катта ўғлим — Дамир Салимов кинорежиссёр. Унинг «Шум бола», «Ленинградликлар — жигарбандларим», «Сен етим эмассан», Усмон Юсупов ҳақидаги «Ҳаёт мазмуни» каби фильмлари кўпчиликка таниш. У ҳозир «Ўзбекфильм»да ишлаяпти. Иккинчи ўғлим — Даврон Салимов асосан ҳужжатли фильмлар билан танилган. Унинг 100 дан ортиқ фильмлари иттифоқ мукофотларига сазовор бўлган. Кенжа ўғлим — Темур эса ҳуқуқшунос. У ҳозир халқаро иқтисодий алоқалар бўйича иш юритмоқда. Келинларим худди қизларимдек, меҳрибон. Худого шукр, невараларим, авраларим бор.

— Наҳотки, ҳудожўй бўлсангиз!

— Алҳамдуллоҳ мусулмонман. Ҳар кун намоз ўқимасам-да, ҳайит намозларини қанда қилмайман. Яқинда набирман фарзанд кўрди. Мен унинг қулгоғига азон айтдим. Есун сурасини ўқиб, отингиз Ойбек бўлди, энди сиз мусулмонлик дедим.

— Исмоил бобо, сиз салкам бир аср яшабсиз. Ҳаётда энди ўз йўлини топаётган ёшларга тилагингиз!

— Ёшларнинг имон-эътиқоди бўлишларини тилайман. Мусулмончиликнинг ёзилмаган қондалари борки, ёшлар буларнинг барчасига амал қилиб, ҳар соҳада пок бўлишларини истайман. Илоё, ҳаётда ҳеч қим мендек адашмасин.

Ботир ЭРНАЗАРОВ ёзиб олди.

КЎЗГУ СИНИҚЛАРИ

Е раб, аёлларнинг эрни пир деб биладиган замонлари ўтиб кетдики? Ҳеч тан олмай иложимиз йўқ: Уктабир инқилоби аёллар билан эркакларнинг ҳуқуқини тенг қилди. Тенг қилгани шунда, аёллар бори, бешарм гапларни, сўкишларни тилга олишда, ҳатто эркакларни ерга қаратадилар. Агар ундайларни сўкишиш мусобақасига (агар оламнинг бирон бир ерида шундай мусобақа ўтказилганда) иштирокчи бўлсангиз, шубҳасиз, пешқадам бўладилар. Бундай гапларни ёқани тугиб айтмоқ керак. Улуғ Термизий зотларнинг табаррук тупроғида — Термиздаги хонадонлардан бирида навқирон аёл уйда ҳаё, ифрат, шарм пардасини аллақачон йиртиб ташлаган фарбнинг фаҳший видеофильмларини намойиш этиб, «ихлосманд» хотин-қизлар, келинчақларнинг ҳар бириндан ўн сўмдан «патта ҳақи» олади. Ўша хонадон соҳибаси фаҳш фильмлар намойиш қилиб, қанча пул ишлади, буни билмайман, зотан буни билишнинг аҳамияти ҳам йўқ. Лекин агар билсангиз айтинг, шу шахсоний томошаларни кўрган аёллар, келинчақлар

тоабад Лайли ва Мажнунни, Фарҳод ва Ширинни, Ойбарчин ва Алломишни, Кумушу Отабекларни тилларига зинҳор олмасинлар. Қулгоғига етказинг: улар минбаъд муҳаббатнинг боғларига оёқ қўймасинлар. Огоҳ этингки, эндики сазовор бўлгани — бешармлигу тавқи лаънат...

Шаҳар ичида қатнайдиغان автобус тикилини, тирбанд эди. Кимдир бехосдан бировнинг оёғини босиб олган, кимнингдир тирсаги кўнгли нозикроқ одамнинг биқинига тегиб кетган ва ҳоказо. Меъридан икки хисса ортиқ йўловчини ортган автобусда гала-говур, кўнгли хиралик бўлмай нима бўларди: жума номозиға шошилатган чолнинг соқоли бехосдан енгисиз қўйлаб қийган хонимнинг биллагими, юзгами тегиб кетибди. Шунда хоним

ўзга бир тилда чолга ўшқирди: «Исқирт соқолингни йиғиштириб юрсанг бўлмайди!» Чол «Бу хотин нима деляпти?» дегандек савол билан ёнидаги ўзбек йигитига қаради. Йигит ҳам зийрак, ҳам тadbиркор экан: «Соқолингиз қитигимни келтиряпти, деяпти» деб гапи қазилга бурди. Чол англади, бўшашди. Кўнгли хира тортиди.

... Йигит хонимнинг аччиқ гапини чолга ҳазил йўсинида таржима қилганидан кўра: «Хоним, бироз ўйлаб гапиринг, бу юрт шу чолнинг ота-боболариндан қолган. Умрининг яхши-ёмон кунлари шу тупроқ билан боғлиқ. Бу чолни ҳақоратламанг, унинг соқоли сиз айтганчалик «исқирт» эмас, унинг ҳар толасида мингтадан фаришта бор! Сиз-ку ширин нон, иссиқ макон, оташ кўчоқ излаб шаҳардан шаҳарга қўчиб юрасиз. Лекин бу соқолли чол авлодлари сингари меҳрли кунларда ҳам,

қаҳрли кунларда ҳам шу маконга содиқ юради. Сизга ҳам нон, ҳам жой бериб, пичингларингизни эшитиб келаятган бу чолнинг оёғига йиқилинг, товбалар қилинг!» демади. Деса бўларди...

«Агар отам чиройли одам бўлганида эди... — ўкинди бир кун бўйсирани қиз дугоналарига. — Онамга ҳам ҳайронман, наҳотки шундай хунук одам билан бир умр яшаб келяпти. Агар... отам чиройли бўлганида эди, мен ҳам чиройли қиз бўлган бўлардим. Онам ёшлигида жуда чиройли бўлган. Лекин тақдир унга хунук эркакни раво кўрган-да...»

... Анча йиллар бурун эди. Меҳрибон ота ана шу қизини севинтирмоқ учун эшагига минию ҳар ҳафтасига шаҳри гулгулага — бозорга борарди. Бозорни эринмай айланиб, энг аввало қизалоғи учун сақич, хўрозқанд, ёғоч тароқ,

хина ва бошқа кўп нарсаларни харид қилар, кейингина эса рўзгорига керакли бошқа нарсаларни оларди. Бозорлигини хуржунига жойларди-да, уйига йўл оларди. Эшакнинг қораси кўриниши билан қизалоғи чопқиллаб пешвоз чиқарди. Ота эшагини қозикча боғлаб, хуржунини тушириб олгунча бўлмай, қизалоғи саволга тутарди: «Ота, сақич олиб келдингизми, хўрозқанд-чи? Рўмол-чи, рўмол олиб келмадингизми?» Қизалоғи қанча саволга тутса, отаси шунча қувонарди. «Асёл қизим, олиб келдим, она қизим, ҳаммасини олиб келдим...» дея қизининг севинчига севинч қўшарди.

Кунлар шундай ўтади.

Ота меҳрини шу ёлғиз қизидан аямлади.

Қиз камолга етди. Дугоналари даврасида эса юқорида биз келтирган гапларни айтди. Агар шу гаплар отасининг ҳам қулгоғига етиб борса нима бўлади? Дунё тескари айланмайдими? Агар қизининг бу гапларини ота эшитса, кўнгли батамом ситилиб кетса керак... Ҳар толасига минг бир фаришта қўнган соқолларини юлиб, дод деса қорак...

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ.

Иккинчи хотин бўлганимдан бахтлиман, десам балки ҳайрон бўларсиз. Ҳа, бахтлиман. Бошқа аёлларнинг ҳам ана шундай бахтли ҳаёт кечиршларига тилакдошман.

Эҳтимол, баъзи одамлар иккинчи хотин эрнинг чўриси деб ўйлар. Бошқалар учун фикр юритмайман. Лекин ўзимни кўп дугоналаримдан кўра латофатлироқ аёл ҳис қиламан. Зеро, кичик хотин мавқеига кўра, кечирасизу рўзгор ташвишини тенг тортувчи «қўш ҳўкизи» жуфти эмас, кўпроқ айни аёл бўлмоғи лозим.

Маълумотим ёмон эмас — техникумни тугатганман, муассасалардан бирида ходима бўлиб ишлайман. Уғлим, ўз уйим бор, жиҳозларим ҳам бир рўзгорга етиб ортади. Бўлғуси эрим билан дўстларимизникида танишганмиз. Бир неча дугоналарим ҳам худди ана шундай турмуш кечиряпти. Яхшироқ тасаввурга эга бўлишингиз учун баъзи маълумотларни келтираман. Одатда, аёл киши 25-26 дан ошгандан кейин иккинчи хотин бўлиб турмушга чиқади. Маълумоти ўртадан оқори бўлади. Икки йилдан буён иккинчи хотин бўлиб турмуш кечирган дугоналаримдан бири, ҳатто олий маълумотли. Деярли ҳаммаси бир, камдан-кам ҳолда икки, уч фарзандли. Улар асосан ўзбек ёки «аралаш» оиладан. Ҳаммасининг ўз уйи бор — бировниқанда сифинди эмас. Маошлари тайинли бўлмаседа, ёмон яшашмайди. Албатта, бундан ўзига тўқ оилалардагидек тўкин-сочин турмуш кечиряшаркан деб тушунамаслик лозим — нималардандир воз кечишга ҳам тўғри келади. Эрларимиз бизлардан одатда анча, яъни ўртача ўн ёшлар катта.

Эрларимиз ҳусусида ҳам икки оғиз айтиб ўтмасам бизларни тушунишингиз қийин. Оддий меҳнатқашнинг иккинчи хотин олишга, албатта қурби етмайди. Айтилик, ўртачадан кўпроқ топадиган одам иккинчи хотин олишга жазм этиши мумкин. Ахир унинг зиммасига бир эмас, бирварақай икки одамнинг ташвиши тушади. У иккинчи хотинини уй-жой билан таъминлаши, унинг ейиш-ичиши, кийим-кечагидан бохабар бўлиши, болаларига оталик қилиши керак. Болани боғча ёки яхшироқ мактабга жойлаштиришининг ҳам ўзи бўлмайди.

Аёл киши иккинчи хотин бўлишга нима учун рози бўлади? Эҳтимол, масаланинг моддий томони ҳақида кўпроқ гапириб юборгандирман. Моддий томон чиндан ҳам муҳим. Бироқ кўнгил деганлари билан ҳам ҳисоблашмасдан илож йўқ — кўзингизга балодай кўринадиган одам билан умр йўлингизни

боғлайсиз-ку! Аммо энг муҳими — ёнингизда ҳимоячингиз, эркак киши, эрингиз пайдо бўлади. Энди сиз ёлғиз эмассиз! Иккинчи хотин бўлиш эмас, ёлғизлик аёл шўрликни тўрт девор ичига қамайди: на кинога, на тўй-ҳашамга бора оласан, на аллақачон турмуш қуриб кетган дугоналарингизникига. Ҳа,

фи қайд этилган. Аммо бу билан бирор нарса ўзгариб қоладими? Ота-онам хабардор... эҳтимол, бизга дастлабки пайтлари ҳайрихоҳ бўлишмас, лекин тушунишди.

Қанчалик галати бўлиб туюлмасин, кундошлар бир-бирининг борлигини аксариyat ҳолларда билишади. Баъ-

ма этади. Назаримда, иккинчи оилада муносабатлар бемалолроқ, очиқроқ бўларкан. Узоқ вақт биргаликда яшаганда юзага келадиган лоқайдлик бўлмайди. Ҳа, мен висол дәмларини ҳам назарда тутаяман.

Рашк қиламанми? Ростини айтганда, бироз рашк ҳам қиламан. Кутасан, у мен билан эмас, деган ҳаёлдан лабингни лабингга қисасан — шунчақаси ҳам бўлади баъзан. Аммо, ахир у ҳар гал менинг ёнимда пайдо бўлади-ку! Ҳатто ҳориган ва ташвишли қиёфада кириб келади, оддий бир кўнгил олиш, байрамларда ҳаёларни ҳам унутмайди. Баъзи дугоналаримнинг кундошлари билан муносабатлари бошқачароқ ҳам тус олган. Бир-бирларини қаттиқ рашк қилишади. Эрлари уларга иложи борича бир хил нарса совға қилишга ҳаракат қилишади. Ва уларнинг ҳар бирига: «Унга» ҳам шунақасидан харид қилдим — лекин сеники бошқача», дейди.

Одамлар нима дейишса, дейишини лекин мен ўз турмушимдан розиман! Қўшнилари, дўстларим, ҳамкасбларим одатда кундошли эканлигини билишади, ҳатто кундошсиз аёлларга нисбатан бизга яхшироқ муомала қилишади. Агар ҳаётимни қайтадан бошлашга тўғри келса, ҳеч иккиланмасдан яна иккинчи хотин бўлиб турмушга чиқишга рози бўлардим.

Megapolis-Express
газетасидан таржима

ТУРМУШИМДАН РОЗИМАН

Гулноза К... нинг кўпхотинлилик ҳақида ўйлари.

Ўз вақтида ҳар бириимизнинг ўзимизга яраша муаммоларимиз бўлган: кимдир ота-онасининг гапига қулоқ осмаган, бошқа биров бахтини учратмаган, вақтида турмушга чиқмаган, яна бировининг ёлғиз фарзанд билан қолиш пешонасига битилган экан. Бу ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз! Бироқ бизлар аёлмиз: ёнимизда суянчиқ бўлиши керак.

Расмийлаштириш қандай бўлади, деб сўрарсиз. Албатта, паспортга муҳр босиш йўли биланмас, урф-одатларимизга кўра никоҳ ўқитиш орқали. Ун саккизга тўлмаган қизлар ҳам шу таразда турмушга чиқиши, тегишли ҳужжатларни эса кейин олиши кўпчиликка сир эмас. Паспортидми, айтгандек, эримнинг кимлиги, ўғлимнинг гувоҳномасида эса отасининг исм-шарифи ёзиб қўйилган. Тўғри, эримнинг паспортда катта хотинининг исми шари-

зан, ҳатто ўзаро таниш ҳам. Бир гал касал бўлиб қолганимда кундошим ҳолимдан тез-тез хабар олиб, боламага ҳам қараб турди. Эрининг биринчи аёлига нисбатан алоҳида бурчи бор — улар билан бирга яшайди, болаларига кўз-қулоқ бўлади. Пайшанба албатта ўз гўшасида бўлади. Бироқ ҳафтасига икки-уч кун, баъзан ҳатто кўпроқ ҳам, мениқанда бўлади. Уғлимнинг ўқишини кузатиб бориш у кишининг зиммасида, улар бир-бирини ҳурмат қилишади. Болакай отасининг қошида ўзини худди катталардек тутайди, менга оғиз ҳам очмайдиган муаммоларини биргаликда жиддий муҳока-

Дарвоқе, қўшни мамлакат — Қирғизистон парламенти бу масалани муҳокама қилди. Кўпхотинликка ижозат берилиши учун бор-йўғи 30 депутатнинг овози етишмади, холос. Ўзбекистонлик халқ ноиблари ҳам бу муаммони яқин орада парламент муҳокамасига олиб чиқишсалар ва осонгина ҳал этсалар ажаб эмас. Незаки, парламентда аёллар жуда озчиликни ташкил этишади.



ЧАНҚОҚЛИК.

Суратчи: С. ВЕЛИЧКИН.

Мадади Сино

ГИЕҲЛАРНИНГ МИНГ БИР ДАВОСИ

Анор гули. Милк қонашида ишлатиш яхшидир. Селмас жахроҳатларни, эски яраларни, дарз кетиш ва узиллишларни бириктиради. Ундан даббада ишлатиладиган дори тайёрланади, қимирлайдиган тишларни маҳкамлайди, қон туфлаши тўхтатади. Ичак яраларида, бачадон оқмасида ва бачадондан қон кетишида ҳам қўлланилади.

Арпабодийён. Арпабодийён, айниқса унинг елими кўзни ўткир қилади ҳамда кўзга сув тушиш,

яъни катарактанинг бошланғи олдидан бошланган пайти ишлатилади. Агар уни совуқ сув билан ичилса, кўнгил айиниш ва меъданинг алангалашига фойда қилади, аммо секин ҳазм бўлади ва озиклиги ёмон.

Арча бужури (абҳол). Толқони асал билан бирга ишлатилса, яраларни даволашда фойда беради. Абҳал меваси темир чўмида, кунжут ёйига қорайгунча қайнатилиб, қулоққа томзилса, қарликнинг олдини олишда ёр-

дам беради. Шунингдек, юрак ўйнаши, хафақонда фойда қилади, қушишни тўхтатади ва меъдага қувват бериб, унинг дам бўлишини йўқотади. Айниқса, шаробда ивтилган заиф жигардаги оғриққа қаршидир.

Асал. Асалнинг энг яхшиси ширин мазали, ёқимли ҳидли, яраларни даволашда фойда берган бироз ўткирлиги бор, қизғиш рангли ва узилмайдиган, ёпишқоқ бўлгандир. Яхшиси баҳордагиси бўлиб, ундан кейин ёзгиси туради, қишқиси эса ёмондир. Ари асали иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Чирикли қучур яраларни тоза-

лайди. Қуюлгунча қайнатилгани янги жароҳатларни ёпиштиради. Аччиқтош билан қайнатилгани темирлаткиларни тузатади. Кўз хираланишини кеткизади. Асални танглай билан эзиб сўриш ва фарғара қилиш бўғмаларни тузатади ва бодом бетларига фойда қилади. Кўпиги олинмаган асал ел пайдо қилади ва ички суради, агар кўпиги олинса бу хил таъсири камаяди. Уни ялаш қутурган ит қопганга ва захарли кўзқорин еганга даводир. Қайнатилган асал захарларга қарши фойдали нарсадир.

Тўловчи Анвар ХИДИР.

Бош муҳаррир:
Қулман ОЧИЛ

ТАҲРИР
ҲАЙЪАТИ:
Жумамазар
БЕКНАЗАР
Дадахон
ЕҚУБОВ
Муҳаббат
ИБОДОВА
Абдуҳошим
ИРИСБОЙ
(бош муҳаррир
ўринбосари)
Тўлкин ҲАЙИТ
(масъул қотиб)

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Қувондиқ
БЕРДИЕРОВ
Мейли
ЙУЛДОШЕВ
Рўзимат
САФОЕВ
Абсалом
УСАНОВ
Баҳодир
ЭШОНХОНОВ
Урол
УЗБЕК

Таҳририят
келган хатларга
ёзма жавоб
қайтармайди.
Шунингдек,
фуқаролар
билан
ташкilotлар
ўртасида
воситачилик
ҳам қилмайди.

Газетамиз
ҳомийлари —
Ғаллаорол
туманидаги
«Ғаллаорол»,
Муборак
туманидаги
Хитой давлат
хўжалиги,
Намангандаги
«Тўқимачи»
маданият
саройи.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Тошкент — 29
Навоийшлар
хўбони,
1-бино.
Телефон:
39—43—95
Обуна
индекси 64654
Буюртма 42

Ўзбекистон
Республикаси
«ШАРҚ»
нашриёт —
матбаачилик
концерни
Тошкент шаҳри

1 2 3 4 5 6
7 8 9 10 11 12



ГОЛИБ АНИҚЛАНДИ

Азиз муштарий! Единогизда бўлса, Тошўлат тоға ўзининг ҳисобидан энг қизиқ латифалар учун танлов эълон қилган эди. Мана, наҳоят танловнинг биринчи давра ғолиби ҳам аниқланди.

Мукофот (200 рубл), газетнинг феврал ойидаги 9-сонида чоп этилган мазмунли ва кулгили латифалари учун Илҳом ЗОИРОВга насиб этди. Мукофот муборак, Илҳомжон! Аҳли латифажўй! Унутманг, танлов давом этмоқда.



Т.Т.Т. ДЕВОРИДАГИ ЭЪЛОНЛАР

ПАТИНКА ЙҶҚОЛДИ

Кеча чойхонадаги ошдан сўнг, кайф устида патинкамнинг бир пойини йўқотиб қўйибман. Топиб берган граждани патинкамнинг иккинчи пойини совға қиламан. Бўта мелиса.

ТИЛАНЧИЛАР!

Метро бекатларида тиланчиликдан тушган чақаларини йўловчиларнинг пулларини майдалашга ишлатган фуқароларга иккита «Мерседес», бешта «Волга» машинаси ва битта калиш навбатсиз берилади. Ижроқўм.

МАХСУС КУРС ОЧИЛДИ

Мажлисларни қиздириш учун нотиклар уйи қошида «Қарсақбоз» ширкати билан ҳамкорликда махсус курс очилди. Бунга кўпроқ қадоқ қўлли йигит-қизлар қабул қилинади. Уқув практикаларини пойтахтимиздаги энг катта мажлислар залида ўтказадилар. Курсни аёло битирганларга тўғридан-тўғри депутатлик мандати берилади.

ОШХОНАМИЗГА МАРҶАМАТ!

Шу йилнинг 16 январидан янги ошхона қуриб ишга туширилди. Бу ошхонанинг бошқаларидан афзаллик томони шундаки, хоҳлаган хўранда ўзи топган махсулотни хоҳлаган пайтида, истаган усулида ўзи пишириб ейиш имконига эга. Ошхонамизга марҳамат!

Анна Петровна эълонлар тахтачасида ўқиди: «Овқат пишириш, кир ювиш, уй-жойни саранжомлаш, бичиш-тикиш, дазмоллаш каби юмушларга моҳир аёл бу ишларни ўзи уддалайдиган эр қидиради».

«Бу қандай бемаънилик!» деган уйга борди Анна Петровна ва яна бир эълонга кўзи тушди: «Эридан уч боласи билан ажраган аёл бефарзанд эркакка турмушга чиқишга рози». «Шунақаям нодонлик бўладими?» — деб энсаси қотди Анна Петровнагича. — Нахотки танишишнинг бошқачароқ усули бўлмаса? Мана менинг ҳам эрим йўқ, лекин бунақа бемаъни эълонларни осмаяпман-ку.

Анна Петровна ўқишда давом этди:

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

— Бундан буён танқид ва ўз-ўзини танқидга зўр берамиз, ўртоқлар, — деди бошлиқ йиғилганларга қараб. — Мана, масалан мен ўзимдан бошламан...

— Йўғ-э, ака, биз турганда?.. Мендан бошлай қолинг, — деди ўринбосар.

— Ие, почта, нега сизни?.. Камчилик дегани менда тўлиб-тошиб ётибди. Бемалол олаверинг, — чийиллади кадрлар бўлими бошлиғи.

— Ҳой, янга, инсоф борми? Сизни танқид қилганимиз Калонхўжа акаларнинг қулоқларига етса... Яхшиси,

мени дўппослай қолинглар, — деди бош ҳисобчи кўзойнагини артаркан.

— Тоға, нималар деяпсиз? Сизларнинг бу ерга озмунча хизматингиз синганми? Еш келса, ишга, деганлар. Мени танқид қилинглар, кейин чиқиб ўзимни ўзим танқид қиламан, — бидирлади янги ходим.

ПУЛ—ХАШАК, ЛЕКИН...

Икки киши ўзаро гаплашишяпти: — Нарх-навонинг овишини кўриб ёқангини ушлайсан. Тавба, пул ҳам хашак бўлиб қолди-я...

— Нимасини айтасиз. Пул хашак, лекин ўша қурмағур хашак ҳам борда бор-да...

ТЕГИРМОНДАГИ ГАПЛАРДАН

— Ҳа, Аспан, бугдойни инқиллаб ўзинг кўтариб келяпсан, эшагинг оғир оёқми дейман?

— Эрталаб Партав-сумак юз сўм қарз сўраб чиқиб қолди. Пулни олчиқсам, «Бунинг купонини қачон берасан, муттаҳам?» деб ёқам-га ёпишди.

— Ҳокимликка Нажим-шўрони кўтарасмикан? Мени сайласаларинг, қашиничининг нархини икки бараваар пасайтириб берардим, деб юрибди.

— Бозорда ёнғоқ сотиб ўтирсам, тўртта аскар бола олдимга замбаракни судраб келиб, шунга неччи кило ёнғоқ берасиз, деб сўради.



— ЙИРИКРОҒИДАН, ТАҚСИР, ЙИРИКРОҒИДАН ТАШЛАНГ.

Муаллиф: С. САЛОҲИДДИНОВ.

СИМ ҚОҚИНГ

«Навқирон йигитга турмушга чиқишга розиман. Еш ўртасидаги фарқ харажатларини зиммамга оламан».

«Қуриб кетсин, — деган халга борди Анна Петровна, — бундан кўра умуман эрга тегмаганим яхши».

У ён дафтарида бир варақни шартта йиритти-да, тахтага шундай эълон битилган қозонни ёпиштирди:

«Еш, гўзал, саранжом-саришта жувон эрга чиқиш тақлифи билан жонига тегмаслигини сўрайди. Телефон рақами: 414-91-03».

Илья БУТМАН

— Дўхтир, ёзиб берган дориларингизни қидирмаган жойини қолмади. Тошкентда ўқийдиган жиянимга ҳам ёзиб юборганим, йўқ эмис.

— Унда ўзимизнинг касалхонадаги дўхтирлардан суриштириб кўринг, албатта топасиз.

— Хўш, бир бечора, ожиза аёлни тунашга қандай журъат этдингиз! — деди мелиса қўлга тушган ўғрига.

— Нега у бечора бўларкан! Қўлларида минг сўмлик узуклар, бўйинидаги маржоннинг ўзи беш минг туради. Соати ҳам тилла...

ТАЙ ходими бошлиқ ҳузурига кириб, илтимос қилди:

— Уртоқ бошлиқ, қизимни унаштириб қўйганим, сиздан илтимос, мен турган чоррахадаги поства бир-иккита таъқиқловчи белгилар ўрнатишга рухсат берсангиз.

Эндигина туғруқхонадан навбатчиликни толшириб чиққан врач қайтиб келиб бош врачга деди:

— Дарвозадан чиқаётсам «Тез ёрдам»да «мебел» магазини директорининг хотинини олиб келишгани қулгоғимга чалиниб қолди. Ўзингизга айтганим, қизимни унаштириб қўйганман, мебел олишим керак. Рухсат берсангиз шу аёлга ўзим доялик қилсам.

АРИЛАРНИНГ ДАДАСИ

Ҳовлида ўйнаб юрган уч ёшли Бобурнинг қўлини қовоқ ари чақиб олди. Боласининг чинқираб йиғлаганини эшитиб, ошхонадан қочиб чиққан онаси суриштира бошлади:

— Қаерингиз болажоним, нима чақди!

— Маля бу қўлимни, — деди Бобур ҳамон ўзини босолмай йиғларкан. — ариларнинг дадаси чақди.

СОЧИҚ ҚАНИ!

Тўрт ёшли Жасурбек юзини ювиб хонага кирирканшода деди:

— Тезроқ сочиқни беринглар, қуриб қоляпти.

Салоҳиддин СИРОҲИДДИНОВ.

ШУКУР

— Ўғри, каззоблар тобора ҳаддидан ошяпти. «Поста»да ўқидим, кўчада кетаётган қиз-жувонларнинг тилла сирғаларини юлиб опқонадиганлари пайдо бўпти, — деди бир киши.

Унинг сўзини эшитган соддароқ йўловчилардан бири овозини чиқариб «Худога шукур», деб қўйди. Ҳамма ҳайрон. Охири бир йигит сўради:

— Амаки, нега «Худога шукур» деяпсиз? Е бу сизнингча яхшимми?

— Йўғ-э, мен яхши деяётганим йўқ. Шунчаки, бизда эркакларнинг ҳам қулоқларига сирға тақиш урф эмаслигига шукур қиялман...

ҚИЗИҚ ҲОЛ

— Э, ҳа, қалай, кечагисини кўрдингми? Ҳалиги маҳмадона бор-ку, зап бопплади-да ўзиям. Анжирини чиқар-ворди... Ҳамманинг оғзини очиб қўйди. Шундай тузладикки... Ҳали-верги ўзига келолмайдигани...

— Маҳмадона деб ҳалиги жингаласочни айтгансанми? Ҳа, жуда уста экан қурмағур.. Шундай зарба берадики... Ўзиям бу йил беш-олтитасини накаутга учратди-да, азамат...

...Маълум бўлишича, биринчи йўловчи телевизорда сессияни, иккинчиси боксини томоша қилишган экан.

Зоҳиджон БЕЪМАТ,
Богдод.